



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

49 (214)

2012 йил 5 декабрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услубларини бағишланган ўқув-семинарда худудий партия ташкилотларида мафкуравий ва маънавий-маърифий йўналишларда қилинган ишлар атрофида таҳлил этилди.



ҚўМИТА ййгилишида юртимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.



ОЛИМЛАРНИНГ беш йиллик изланиш натижаси саналган ушбу онлайн кутубхона қарийб 6 млн. китоб фондига эга.

2 СИЁСАТ

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

8 КЎЗГУ

## ХАБАРЛАР

### Давра суҳбати

Миллий матбуот марказида "Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқаролик фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат бирлашмалари аxbорот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ОАВнинг аxbорот олиш юзасидан мунозараларини кўриб чиқиш мундариғини қисқартириш, аxbорот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган вазифалар ҳусусида сўз борди. Мунозараларда журналистларнинг ихтисослашуви ва масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар, уларнинг ечимларига доир фикр-мулоҳаза, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

### Келажагимизнинг ҳуқуқий гарови

Бухоро вилоят Тасвирий санъат музейи кўргазмалар залида ташкил этилган кўргазма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва Бухоро давлат бадиий-меморчилик музейи-кўрикхона ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма 15 та асосий мавзудан иборат бўлиб, унда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқлари ва ижобий ўзгаришлар кенг қўламлида очиб берилган. Шунингдек, кўргазма доирасида Бухоро давлат бадиий-меморчилик музейи-кўрикхонаси томонидан тақдим этилган янги топилмалар, сураткаш Ш.Болтаевнинг "Мустақам оила йили"га бағишланган суратлари, уста-хунарманд Камоловлар сулоласига оид ижодий ишлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

### Янги лойиҳа, ихтиро ва гоғлар ҳаётга

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) ҳузурдаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Инновацион лойиҳа, ихтиро, янги гоғлар билан иш олиб бораётган талабаларнинг ишларини ОАВ ҳамда интернет нашрларида мунтазам ёритиб бориш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда пойтахт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар, ОЎМТВ ҳузурдаги "Маънавият ва маърифат" марказининг "Ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва янги гоғларини жорий этиш гуруҳи қoшидаги "Интеллектуал ёшлар клуби" аъзолари қатнашди. Давра суҳбатида нанотехнология истиқболлари, инновацион жараёнлар, интеграция ва амалиёт масалалари атрофида муҳокама қилинди.

## ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



## ЎзМТДП дастурий мақсадлари

### АКС ЭТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги ййгилишида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Жумладан, "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлигининг қисқартирилиши мунсабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Ййгилишида "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Депутатлар эътироф этишганидек, мамлакатимизда одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида мунтазам равишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги мунсабатларни тартибга солувчи қонунчилик механизми ҳам босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келти-

риб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шундай йўналишдаги навбатдаги амалий саяё-харақатлардан биридир. Унда ушбу касаллик тарқалишига қарши кураш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссиясининг вазифалари, унинг тузилиши ва низомини тасдиқлаш тартиблари аниқ акс эттирилган.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Ўзбекистон Конституцияси — миллий-маънавий тараққиётнинг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг эркинлик сари узоқ йўлдаги изланишларининг мантқий натижасидир. Авваламбор, конституциявий "бино"ни қуришда уч минг йиллик миллий давлатчилик ва ҳуқуқий таърибамизга таянганлиги алоҳида қайд этиш ўринлидир. Асосий Қонунимиз халқимизнинг тарихий ва миллий анъаналари ва унинг мустақил давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги кўп асрлик оғзусини ўзида мужассам этган.



Ўзбекистон Конституциясининг принциплари ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик миллий-ҳуқуқий таърибаси ва нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш юридик механизмининг ўзида мужассам этган.

5-бет

## ЁШЛАР ҚАНОТИ

# Ёшларнинг ҳуқуқий билими

ВА ҚЎНИКМАЛАРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ — ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА



Халқимиз яна бир улғу байрам — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Шу кунларда мазкур санага бағишланган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партия «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб "Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори" мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда оммавий аxbорот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП

фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев кириш сўзи билан очар экан, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалтириш устувор вазифа сифатида белгиланганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Истиқлол йилларида юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахсининг фаровонлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Бу борада партиямиз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахсининг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли рўйба рўй чиқаришга кўмаклашиш муҳим вазифамиздир.

3-бет

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

Пойтахтимизда ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истиқболли" мавзусида ўқув-семинар ўтказилмоқда. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳамда туман Кенгашлари етакчилари иштирок этмоқда. Навбатдаги ўқув-семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоят Кенгашлари вакиллари билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

## Партия фаолиятини янада такомиллаштириш

УНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ҚАРАТИЛГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

2-бет

# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● ФРАКЦИЯ ХАЁТИ

## ЎзМТДП дастурий мақсадлари

АКС ЭТГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУХОКАМА ҚИЛИНДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, Республика ва худудий ОИТСга қарши кураш марказлари, улар фаолиятини тартибга солиш қондалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ихтиёрий, шартли ва мажбурий тиббий текширувлардан ўтиш тартиби ҳамда касалликни тарқатганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам алоҳида нормалар воситасида мустаҳкамланди.

Муҳокамада сўз олган фракция аъзолари халқро миқёсда ушбу касаллик тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар кескин ўзгариб бораётган бир шартда мазкур қонуннинг зарурати ва аҳамияти эътибор қаратишди. Жумладан, депутатлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламадаги ислохотлар амалга оширилгани натижасида соғлом турмуш тарзи шаклланиши, бу борада қилинаётган улкан ҳажмдаги ишлар жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлганини алоҳида қайд этишди.

Фракция йиғилишида «Табий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси

дасига ўзгартириш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Эътибор этилганидек, бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши, соҳага кириб келаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши ҳисобига истеъмолчиларнинг талаби тўлароқ қондирилиши муносабати билан «Табий монополиялар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш киритилмоқда. Бу келгусида соғлом рақобат муҳитини яратиш имконига эга бўлган бозор соҳаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар рўйхатидан чиқаришни назарда тутди. Ушбу масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси янги ташкил этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари тўбора соддалаштириб берилаётгани натижасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуғи ортаётгани, бу ўз навбатида, иқтисодиётимиз барқарорлигига салмоқли улуғ қўшаётганини эътибор қаратишди.

Йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Абдурашид ТҲАБОВЕВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлигини қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар 2013 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал қўлайликлар яратиш, шу жумладан, ҳисоботлар ва уларни тақдим этиш тартибини қисқартириш ҳамда соддалаштириш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 61-моддасига киритилаётган ўзгартишлар солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш орқали ундирish учун солиқ қарзининг энг кам миқдорини белгилашни назарда тутди. Ушбу норманинг белгилашни бир томондан ҳозирда суд тартибда ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан давлат солиқ хизмати органларининг ушбу қарзларни ундирish бўйича харажатларини қисқартиради.

**Жамила НИЁЗОВА,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатлари, айниқса, ижтимоий ҳавфли касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам бериш, халқимизга тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи аънаналари ва саломатлиқ маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастури рўйбга чиқарилишини фаоллаштириш ҳамда ҳукуматнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган саяё-харажатларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Фракциямиз аъзолари «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, қонун лойиҳасида касалликни даволаш чоралари эмас, балки унинг олдини олиш масаласи биринчи ўринда туриши лозимлигига эътибор қаратилди.

**Алишер ЖУМАЕВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракция йиғилишида «Табий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳада бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши, уларга кириб келаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши ҳисобига истеъмолчилар талабларининг қондирилиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг «Табий монополиялар тўғрисида»ги Қонунига келгусида соғлом рақобат муҳитини яратиш имкониятига эга бўлган бозор соҳаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар рўйхатидан чиқаришни назарда тутган ўзгартириш киритиш тақлиф қилинди. Бу ўзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланганидек, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказиш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Муҳтарома КОМИЛОВА,  
«Millyi tiklanish» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир ҳафта давом этган семинарда «Худудий партия ташкилотларида мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналишларда олиб борилган ишлар: ҳолати, муаммолар ва ечимлар», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан сайловга оид қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида», «ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштиришда жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлашнинг замонавий услублари» каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов «Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва уларнинг аҳамияти» мавзусида маъруза қилди.


— Ўзбекистоннинг озод ва обод, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиёти ва эркин рақобатга асосланган иқтисодни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар билан тенг ва манфаатли ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, минтақа халқлари ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ушбу худудда жойлашган мамлакатлар ўртасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, глобал таҳдидларга қарши биргаликда, ҳамжихатлик билан курашиш сингари асосий мақсадлари — миллий манфаатларимизни белгилашда етакчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, динларро бағрикенглик бугунги кунда Ўзбек жамияти эришган энг катта ютуқ ва бойлиқдир. Буларнинг барчаси тараққиётнинг «Ўзбек модели»га асосланган ўзига хос ва ўзига мос сиёсатнинг пировад натижасидир. Энг муҳими бу сиёсат халқимизнинг ҳаётини ва Ватанимизнинг миллий манфаатларига таъминлаш ва жавоб беради. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида «Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб ҳолатларни шартда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётини сақлаш каби бири-бирдан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифалар борлиги, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги кунини ана шу масалаларни қанчаллик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир», деб алоҳида таъкидланган, — деди партия етакчиси.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бунён ўтган тарихан қисқа даврда дунёда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш, айниқса, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни халқро ҳамжамият томонидан эътибор этилмоқда. Партия раҳбари минтақда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ўрни ва иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотлар йўлидаги кенг қамровли ва энг муҳими минтақа ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталигини сақлаш борасидаги долзарб мақсадлари бугунги кунда халқро жамоатчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир. Дунёнинг йирик давлат ва сиёсат арбоблари, сиёсатшунос олимлар ва журналистларнинг мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, минтақа халқлари барқарорлик ва тинчликни сақлаш борасида дуч келаётган айрим муаммоларни таҳлил қилувчи баёнотлар, мақолалар ва тадқиқотларини кўзатар эканмиз, Ўзбекистон Президентини сиёсати ва ташаббуслари минтақда барқарорликни сақлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.

● ЎҚУВ-СЕМИНАР



## Партия фаолиятини янада такомиллаштириш

УНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИГА ҚАРАТИЛГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, МДХ, ШХТ, шунингдек, Халқро валюта фонди, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки ҳамда бошқа бир қатор обрўли халқро сиёсий, иқтисодий, молия ташкилотлари, дунёга машҳур фирма ва компаниялар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб келмоқда. Айниқса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ўзаро муносабатларимиз ва ушбу ташкилотда мамлакатимиз туган ўрни ҳамда ШХТнинг халқро майдонда кун сайин ортиб бораётган обрў-эътибори Ватанимиз тақши сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ўзи иштирок этаётган ҳам халқро турмушларда ҳам ўз миллий манфаатларига мос сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган. Воқеалар ривожини фақат муваққил сиёсат ва миллий манфаатларни қатъий туриб ҳимоя қилиш амалиётигина минтақда тинчлик-барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашни кўрсатиб турибди. Ҳозир ҳар бир ҳаётимиз бир ҳақиқатни англаб бормоқдаки, бугунгидек мураккаб геосиёсий вазиятда ҳар қачонгидан ҳам кўра оғоҳ ва ҳушёр бўлиш, Ватан истиқболни унчун муваққиллигимизни кўз қорачиқидек асраш, саодатли ва кунларнинг қадрига етиш, мамлакатнинг янада фаровон бўлишида куч, билим ва салоҳиятимизни аямаслик фуқаролик бурчимиздир, — деди партия раҳбари.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев «Партия гоёси ва мафқурасини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш» мавзусида маъруза қилди. Нотиқ бугунги кўппартиявийлик тизими ҳар бир сиёсий партиядан ўз гоё ва мақсадларини тарғиб қилишининг янги ва замонавий усулларини қўллаб, электорат ишончини қозонишни тақозо этишини алоҳида таъкидлади.

— Маълумки, партия дастурий мақсадлари, унинг мафқура ва гоёси бир неча йўналишлар ва кўплаб воситалар орқали тарғиб-таъшиқ қилинади. Хусусан, ЎзМТДПнинг барча даражадаги партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий тадбирлар, учрашув, мулоқот, семинар ва конференциялар, ўқувлар, фестивал ҳамда форумларда партиямиз гоёси, мафқураси ва дастурий мақсадларини билвосита ва бевосита тарғиб қилмоқдамиз.

Тадбирларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, тадбирларда партия дастурий мақсадлари ва электоратимиз манфаатлари етакчи ўринга кўтарилди. Сир эмаски, авваллари, айрим ҳолларда тадбирлар партиянинг гоё ва мафқурасига қанчалик мос, у партия электорати манфаатларини ўзида қамраб олганми — бу нарсаларга кўп ҳам эътибор берилмасди. Кейинги икки йил ичида бу борада ҳам фаолиятимизда қатор ижобий жишлар кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, бошқа партиялардан фарқли ўлароқ ўзига хос услуб ва форматда ўтказиш, яъни электоратимиз бўлган ҳунармандлар, халқ усталари, рассомлар, ҳайкалта-

рошлар, касаначилар ва ёш ижодкорларнинг асарлари кўргазмасини ташкил қилиш орқали тадбирлар таъсирчанлигини оширишни жорий қилган эдик. Ўтган йиллар тажрибаси бу усул ўзини оқлаганини кўрсатиб турибди. Эндиликда мазкур усулни янада такомиллаштириш зарур. Тадбирларни янада жонли, таъсирчан, мароқли ўтказиш учун янги гоёлар, усул ва йўللари топишимиз даркор.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, партия гоёси ва мафқурасини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари, интернет имкониятларидан фойдаланиш, ташқи кўргазмалар тарғибот ва тарқатма материаллар энг асосий ва етакчи ўринда туради, — деди пировадиди партия раиси ўринбосари.

Ўқув давомида «ЎзМТДП гоё ва мақсадларини электорат орасида тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида алоҳида амалий машғулотлар олиб борилди. Семинар якунида иштирокчиларга сертификат топширилди.

**Маннон ТҲАЕВ,**  
ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:

— Ўқув-семинарда раҳбар кадрларга нихоятда зарур бўлган мулоқот олиб бориш техникаси ва технологиялари, иш юриштининг замонавий услубларини ўргандик.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли демократик ислохотлар, бугунги давр ва ривожланган ахборот макони одамлар дунёқарашини тубдан ўзгартирди. Мазкур жараёнда ҳар бир партия фаолидан юксак билим, ташкилотчилик маҳорати, ҳуқуқий саводхонлик талаб этилади. Шу нуқтаи назардан семинарда тақдим этилган бир қатор долзарб мавзулардаги маърузалар партиямиз фаоллари орасидан етуқ сиёсий етакчиларни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Улдай ТАЙРОВА,**  
ЎзМТДП Учқудуқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Семинарда тақдим этилаётган маърузаларни тинглаб, фаолиятимизда бартараф этишимиз лозим бўлган талай масалалар борлиги амин бўлди. Жумладан, маҳаллий кенгаш депутатлари билан партия алоқасини янада мустаҳкамлаш, электорат билан ишлаш, тобора яқинлашаётган сайловларда пухта тайёрларлик кўриш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, фаолиятимизда учраётган нуқсонларни бартараф этишда мазкур семинар муҳим аҳамият касб этади.

Семинардан сўнг, халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия ходимлари ва фаолларини бир ерга жамлаб фаолиятимизни сарҳисоб қилиш ва ана шундай ўқув-семинарлар ташкил этишни мақсад қилиб қўйдим.

**Гулноза БОБОЕВА,**  
ЎзМТДП Ҳазорасп туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси:

— ЎзМТДП Ҳазорасп туман Кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашиш борасида қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. Бу борада асосий эътиборни тарғибот тадбирларини мазмунан бойитиш, уларда жамиятда кечаётган демократик ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш ва фаол, изланувчан ёшларни сафимизга жалб қилишга қаратаймиз. Семинарда ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шу нуқтаи назардан ўқув-семинар биз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, деб ўйлайман.

**Жамшид БЕРДИЕВ,**  
ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси:

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда халқимизнинг миллий қадрият, аънава ва урф-одатларини тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда.

Бир ҳафта давом этган мазкур ўқув ҳам партиянинг худудий ташкилотлари ходимлари сиёсий саводхонлигини ошириш, уларда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилди. Маърузаларда таъкидланган сиёсий партиялар мақсад ва вазифаси, улар фаолиятини янада жонли равишда амалга ошириш, ҳаётий фактлар, сиёсий атамалар бизнинг тарғибий мавзудаги билимларимиз ривожига бекуёс ҳисса қўшди.

**Батырбай НУРСЕИТОВ,**  
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси бош мутахассиси:

— Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришнинг замонавий услубларига бағишланган мазкур ўқув-семинар бизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни ошириш билан бир қаторда, электорат билан ишлаш, партия гоёларини тарғиб қилишнинг замонавий услубларини жорий қилишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлишимизга хизмат қилди. Айниқса, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли сиёсатшунос олимлар ва тренерларнинг маърузалари бизда катта таассурот қолдирди. Маърузаларда олган билимларимиз сиёсий етакчи қандай бўлмоғи керак, партия гоёларини тарғиб қилишнинг энг самарали усуллари нималарда намоён бўлади, деган саволларга жавоб топишимизга кўмак берди. Ишонч билан айта оламнки, партиямиз фаолиятини такомиллаштиришда мазкур семинарнинг аҳамияти катта бўлади.

**Нозигул ЗАРИПОВА,**  
ЎзМТДП Гиждувон туман Кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ўқув-семинарда ЎзМТДП мафқурасини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишнинг замонавий усуллари билан фойдаланиш бўйича янги тушунча ва кўникмаларга эга бўлди. Мамлакатимизнинг таниқли сиёсатшунослари томонидан тақдим этилган маърузалар, амалий машғулотлар бизни яна бир бор мушоҳадага чорлаб, фаолиятимизга танқидий назар ташлашга ундади. Айниқса, бошқа вилоятлардан келган партия фаоллари тажрибасини ўрганиш, ўзаро фикр алмашганимиз келгуси фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,  
«Millyi tiklanish» мухбири

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ● “ЁШЛАР ҚАНОТИ”

### Ёшларнинг ҳуқуқий билими

ВА КЎНИКМАЛАРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ — ЎЗМТДП ЭЪТИБОРИДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир ёшлар ўртасида Конституцияни кенг тарғиб қилиш, жамият ҳаётининг меъзои бўлган Бош Қомусимизни чуқур ва ҳар томонлама пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳия-

тини англаб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришга эришиш ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти” томонидан 8 декабрь — “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун”га бағишлаб эълон қилин-

ган Республика мақолалар танлови ғолибларини тақдирлаш мақсадида ўтказилди. Йиғилишда дастлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси,

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов маъруза қилди. Нотиқ, халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлган мамлакатимиз Бош қонунининг қабул қилиниш жараёни ҳақида маълумот берди.

Давра суҳбатида “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ёшларга оид қонунчилик ривожининг таҳлили ва истиқболлари” мавзусида маъруза қилган партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги бевоқиф ёшларнинг таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, деди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, келажгимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз ривожига йўлдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсадларидан саналади.

Йиғилишда сўз олганлар мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Конституциямиз ўз юридик тарихининг кўп асрлик ҳуқуқий аъёнлари ва жаҳон тажрибасининг энг илғор жиҳатларини мужассамлаштирганлиги ва амалда тўла намоян эътиборини алоҳида эътибор қаратдилар.

— Конституциявий-ҳуқуқий

маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланади, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов. — Шу боис, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳамда мажбуриятларни тушунириш, тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги ишларни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Ўйлашимизки, ЎЗМТДП сафига ёшларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида партия “Ёшлар қаноти” томонидан ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбиянинг тақомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир сўнгида ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони “Ёшлар масалалари” бўлими томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир” мавзусидаги мақолалар танлови ғолиблари эълон қилинди.

Ғолибларга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

**Камолиддин САИДУЛОВ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## ● ХРОНИКА

### Соғлом авлод тарбияси

ЎЗМТДП ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР МАЗМУНИНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА

#### ФАРФОНА

Мустақиллик шарофати билан ёшларни маънан ва jismonan баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан чекка ҳудудларда қад ростлаётган турли спорт иншоотлари Ўзбек ёшларининг жаҳон ареналарида юрт байроғини баланд кўтаришлариға қанот бахш этмоқда. ЎЗМТДП Учкўприк туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган “Соғлом авлодни тарбиялашда ЎЗМТДПнинг иштироки” мавзусидаги тадбирда айни масалалар хусусида сўз юритилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, “Камолот” ЕИҲ туман бўлими кенгаши, “Соғлом авлод маркази”, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

— Юртимизда барча жабҳада бўлгани каби спорт соҳасида ҳам салмокчи ишлар амалга оширилмоқда, — деди ЎЗМТДП Учкўприк туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли Лазизбек Турсунов. — Айниқса, ёш спортчиларимиз дунёнинг турли мамлакатларида ўтказиладиган мусобақаларда фаол қатнашаётгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Спорт мусобақасида туманимиздаги энг фаол, чаққон ўсмир йигит-қизлар спортнинг баскетбол йўналиши бўйича ўзаро беллашдилар. Мақсадимиз ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларда ватанпарварлик ва юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда партияимиз сафига ташаббускор ёшларни кенг жалб этишдан иборат.

Тадбирда сўз олганлар партия туман Кенгашининг ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

#### САМАРҚАНД

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида ёшларни ҳозирги замон талаблари асосида тарбиялаш, уларни баркамол қилиб вояга етказиш каби эзгу мақсад мужассам. Бу борада амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ҳам дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши, “Ўзбек жанг санъати” федерацияси вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси ҳамкорлигида спортчи ёшлар ўртасида вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Унда партия Самарқанд вилоят Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва спортсевар ёшлар иштирок этди.

Тадбир ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий гурур уйғотиш, миллий спортимиз ҳисобланган Ўзбек жанг санъатини тарғиб қилиш ва вилоятнинг барча ҳудудларидан ёш спортчиларни аниқлаб, уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

— Спорт билан мунтазам шуғулланган инсон jismonan соғлом бўлиш билан бирга, ўз олдига қўйган мақсадлари томон интилиши ҳам ўрганади, — деди ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Р.Рахмонов. — Шу боис партияимиз томонидан бу каби тадбирларни ўтказишни анъанага айлантиришимиз мақсад спортни ҳаёти мазмунига айлантириб, юксак марраларни забт этаётган ёшларни ЎЗМТДП атрофига бирлаштиришдир.

Мусобақада Самарқанд, Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларидан 200 нафарга яқин спортчи ёшлар ғолиблик учун куч синашдилар. Ғолиблар ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларига эга бўлишди.

#### НАМАНГАН

ЎЗМТДП Тўрақўрғон туман Кенгаши ҳамда «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси туман бўлими ҳамкорлигида “Турон” яккакураш спорт тури бўйича ўсмирлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Унда ЎЗМТДП Наманган вилоят Кенгаши аъзолари, партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, спорт усталари, спортчи ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мусобақада 115 нафар ёш спортчи бош соврин учун ўзаро беллашди.

— Баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни жуда муҳим ҳисобланади, — деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП Тўрақўрғон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ж.Маҳмудов. — Мазкур тадбир ҳам партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни спортга кенг жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Эътироф этилганидек, ЎЗМТДП томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган ўсмирлар ўртасидаги мазкур спорт мусобақаси истеъдодли ёшларни кашф этиш, республика ва жаҳон чемпионларини тайёрлаш, спортчи ёшларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқишлари билан яқиндан танишиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш каби мақсад-вазифаларни кўзлайди.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Кафолатланган бюджет — барқарор иқтисодиёт гарови

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ БУ БОРАДА ЎЗ ПОЗИЦИЯЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИЛАР

ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналари бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатининг узайтирилганлиги, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлиги оширилди.

Электрэнергетика тизимини модернизация қилиш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чоралари амалга оширилди. Иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадида мавжуд ресурслар, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишга ўтилди.

Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини сақлаб қолди. Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилди, гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга қисқартирилди, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқлар, микрофирма ва кичик корхоналари ягона солиқ тўловидан озод қилинди ва божхона имтиёзлари берилди.

Малакали кадрларни сақлаш ва уларни моддий манфаатларини ошириш, бюджет ташкилотларининг ҳисобчи ва

ҳуқуқшунослари жавобгарлигини кучайтириш мақсадида 2013 йил 1 январдан уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф ставкаларини кўтариш ҳисобига иш ҳақи миқдорларини 25 фоизга ошириш тақдирда белгилаб қўйилган

2013 йилги Давлат бюджетидеги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ичидан қуйидаги ҳолатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим: **Биринчидан**, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ЎЗМТДП электорати ҳисобланган интеллектуал мулк эгаларини ҳамда улар томонидан яратилаётган интеллектуал жараён натижаларини жорий қилувчи бозор субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида мол-мулк солиғи солиш объектларини номоддий активларини (патентлар, лицензиялар, ноу-хау, гудвил, дастурий таъминот, авторлик ҳуқуқи, савдо маркаси ва бошқалар) чиқариб ташлаш тақдирда белгилаб қўйилган вазифалар ижросига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Иккинчидан**, Давлат бюджетидеги божхона тўловлари бўйича имтиёзларни мақбуллаштириш мақсадида барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мол-мулк олиб киришда божхона тўловларини ҳисоблашнинг ягона тартибини белгилаш ЎЗМТДП сайловолди Платформасидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мақсад ва вазифалар ижросига қаратилганлиги аҳамиятлидир. Яъни ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мол-мулк олиб киришда божхона божидан муддатсиз озод қилиш тартибини бекор қилиш ҳамда чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналар учун берилган имтиёзларни янгидан ташкил қилинадиган корхоналар учун фаолият юритаётган санадан бошлаб 2 йил муддатга сақлаб қолишни белгиланишига барча ишлаб чиқарувчилар учун бир хил иқтисодий имкониятлар яратиш, маҳаллий инвесторлар томонидан ташкил қилинаётган корхоналар билан хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарга тенг рақобат шароит-

лари таъминлашга қаратилган муҳим чора сифатида қараш лозим.

Тақлиф этилаётган чора-тадбирлар маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи 2013 йилги солиқ сиёсатини тақомиллаштириш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини инфляция даражасидан юқори суръатларда ошириш ва республика бюджетидан ажратилаётган субвенциялар улушини умумий маҳаллий бюджет харажатларига нисбатан ўртача 2 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Солиқ-бюджет сиёсатини тақомиллаштириш бўйича тақлиф этилаётган чора-тадбирлар 2013 йилда Давлат бюджетининг тақдирини халқаро молия ташкилотлари томонидан таъминлаш, яъни ЯИМга нисбатан 1 фоиз миқдорда бўлишини таъминлаш, уни республика бюджетининг 2013 йил 1 январдаги ҳолати бўйича шаклланди, зарурий айланма касса маблағлари ҳажмидан ортган эркин қолдиқ маблағлари ва бошқа ноинфляциянон маблағлар ҳисобидан қоплаш мўлжалланаётганлиги ҳам давлат бюджетининг ноинфляциявий характерга эга эканлигини кўрсатади.

Мазкур масала бўйича табиийли, ҳар бир сиёсий партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари ўз позициясини маълум қилди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари солиқ маъмуричилигини тақомиллаштириш, солиқ қарзларини ундиришни соддалаштириш, солиқ тўловчилар билан назорат қилувчи органлар мулоқотини кескин камайтириш, ортқича харажатларнинг олдини олиш, 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши ўсиб бориши белгиланаётганлиги тармоқларнинг бозор муносабатларига тез мослашиб олиши, истеъмол бозорига ижобий таъсир кўрсатиши, сугорилмаган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағларни ошириб бориш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўйиши масалаларига эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик

партияси фракцияси аъзолари 2013 йилги Давлат бюджетини аҳолининг фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилганлиги, унинг харажатлар қисмида асосий эътибор ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни оширишга қаратилганлиги, Давлат бюджетидеги ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар улуши йилдан-йилга ошаётганлиги, 2013 йилда Давлат бюджетини харажатларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга жами харажатларнинг 59 фоиздан кўпи жумладан, соғлиқни сақлаш харажатларига 2012 йилга нисбатан 763,0 млрд. сўм зиёид маблағ ажратилиши кўзда тутилганлиги, шунингдек, 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни тақлиф этилаётган миқдорда оширилиши аҳолининг реал даромадларини инфляция суръатига нисбатан анча миқдорда оширишга имкон яратиши мумкинлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари илм-фан соҳасига йўналтириладиган маблағларни жорий йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириб белгилаш тақлиф қилинаётганлиги давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-техника ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш ҳамда фани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш имконини бериши эътироф этилди.

Кўриниб турибдики, ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни ижро этишга интилмоқда ва бу нарса 2013 йилги давлат бюджетининг мухокамаси жараёнида ҳам яққол кўзга ташланди. Бу эса партиялараро соғлом рақобат, фракциялараро кураш демократик тамойиллар асосида кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

**Эркин ЮСУПОВ,**  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

*Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири натижасида аксарият мамлакатлар, айниқса, Европа Иттифоқига кирувчи айрим ривожланган давлатларда давлат қарзлари ва бюджет тақчиллиги ошади, бюджет ходимлари иш ҳақи ва пенсиялар камайиб бориётган бир шароитда мамлакатимизда давлат бюджетининг профицит билан ижро этилиши республикамизда олиб борилаётган реал иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва солиқ-бюджет сиёсати самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи ва натижаси ҳисобланади.*

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини пасайтиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар бюджетнинг профицит билан ижро этилишини таъминлашда асосий омил вазифасини ўтади, дейиш мумкин.

Энг аввало, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологиялар кенг жорий этилди. Бу вазифа биринчи галда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилмаган ишлаб чиқариш қувватларига қаратилди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилди ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини берди.

Жаҳон бозори конъюнктура си кескин ёмонлашиб бораётган шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратилди. Хусусан, айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоиздан ортқ бўлган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар берилганлиги, тайёр маҳсулот







## РЕКЛАМА ЎРНИДА

## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси,  
мамлакатимизнинг Асосий қонуни —*

## Конституциямиз қабул қилинганига 20 йил

*тўлиши муносабати билан  
барча юртдошларимизни  
муборакбод этади.*



## ● ТАЪЛИМ

### Соғлом маънавий муҳит

УНИВЕРСИТЕТДА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ҚАТОР ДАСТУР ВА ҚОИДАЛАР АМАЛ ҚИЛМОҚДА

*Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Урганч Давлат университетида ҳам сўнгги йилларда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва унинг шаффофлигини таъминлашга катта эътибор берилган. Урганч давлат университетида ўқув жараёнини бошқариш бўйича ИТ-университет дастурларининг тўлиқ схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, кўйидаги бир қатор кластер дастурлари орқали таълим-тарбия жараёни сифат-самарадорлигини оширишга эришилмоқда: гуруҳ ва профессор-ўқитувчи электрон журнали, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими компьютер дастури, АРМ электрон ресурслар базасини бошқаришнинг мувофиқлаштирилган ИРБИС-64 дастури, кафедра хужжатларини юритиш ҳамда ўқув юкларини ҳисоб-китоб ва тақсимлаш дастури, "Профессор-ўқитувчи — талаба нигоҳида" ҳамда "Талаба — талаба нигоҳида" электрон аноним сўровнома дастурлари, талабаларнинг фанлар бўйича билимларни жорий баҳолашнинг он-лайн тест дастури, талабалар стипендияси ва ходимлар маошини ҳисоблаш ва мониторингини юритиш махсус дастури, университет ҳудудида Интернетдан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи мониторинг дастури, ижро интизомини назорат қилувчи "Job Flow Control" дасту-*

ри, абитуриентлар хужжатларини қабул қилиш бўйича махсус компьютер дастури, профессор-ўқитувчилар фаолияти рейтингини аниқлаш дастури ана шулар жумласидандир.

Гуруҳ электрон журнали дастури ёрдамида талабаларнинг кундалик давомати, фан дастурларининг жорий ўзлаштириш кўрсаткичлари, ўқитувчи ўтиши лозим бўлган мавзуларнинг дастурларга тўлиқ мувофиқлиги каби ишларнинг ҳам доимий мониторингини олиб бориши имконини беради. Ушбу дастурнинг яна бир афзал томони шундан иборатки, унга киритилган барча дастлабки маълумотлар тўлиқ ҳимояланган. Эндиликда ҳар бир профессор-ўқитувчи журналини ҳам электрон тарзда юритилиши ва шу орқали кафедраларда ўқув юкларини бажарилишини турли кесимлардаги мониторингини ташкил қилиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими электрон дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ёрдамида фанлардан ўтказилган жадвал жорий, орилик ва якуний назоратлар натижалари автоматлаштирилган тарзда умумлаштирилади. Бу эса профессор-ўқитувчиларни ортиқча ҳисоб-китоб ишлардан озод қилиб, уларнинг вақтини тежаш орқали

фаолиятида педагогик ижодкорлик руҳини ривожлантиришга хизмат қилади. Баҳолаш жараёни эса шаффоф ҳолда назорат туридан қатъий назар фойдаларда (55 % дан паст бўлса 2 баҳо, 55-70 % гача — 3 баҳо, 71-85 % гача — 4 баҳо, 86-100 % гача — 5 баҳо) баҳоланади, бу жараёнда талаба-ўқитувчи орасидаги баҳолаш мезони тушунarli ва лўнда бўлиб, аниқ тўғридан-тўғри қийматга эга. Шундай қилиб, рейтинг кўрсаткичи бу ҳосилавий бўлиб, баҳолаш ва фаннинг соатлари ва назоратлари турларидан келиб чиқиб компьютер дастури орқали ҳисоб-китоб қилинади.

ИТ-университет дастурларининг яна бир кластер тармоғи бу "Профессор-ўқитувчи — талаба нигоҳида" сўровномаси бўлиб, талабалар ўқитувчининг фаолиятини ҳар семестр охирида бир неча йўналишда баҳолайдилар. Ушбу дастур университетда 2007 йилдан буюн қўлланиб келинмоқда ва унинг самарадорлиги ўлароқ барча кафедраларда тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратилган. Хусусан, университетда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш мақсадида университет раҳбарияти ҳар чоракда бир марта белгиланган жадвал асосида ҳар бир факультет профессор-ўқитувчилари билан алоҳида, талаба-ёшлар

билан алоҳида учрашувлар ўтказиб келмоқда. Шунингдек, бевосита ректорат аъзоларининг ота-оналар билан ўтказилган учрашувларида жамоада ҳар қандай гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилади. Жумладан, 2011-2012 ўқув йилининг ўзида университетда профессор-ўқитувчилар билан 45 та, талабалар билан 45 та, ота-оналар билан 36 та, ТТЖда истиқомат қиладиган ёшлар билан 5 та учрашув ўтказилди.

Университет талабаларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида ҳар ўқув йилида 2 мартадан "Ўқитувчи — талаба нигоҳида" ва 1 марта "Талаба — талаба нигоҳида" ижтимоий сўровномалари ўтказилади. Уларда олинган кўрсаткичлар орқали, университетда раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасидаги, факультетлар, гуруҳлар кесимидаги муҳит таҳлил қилинади. Таҳлил материаллари тегишли масъулларга тақдим қилиниб, шу юзасдан чоралар белгилаб олинади.

Барча факультетларда "Адолат кути"си ташкил этилган. Ундаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш бўйича барча факультетларда жамоат ташкилотлари аъзоларидан иборат тартибда ишчи гуруҳи тузилган. Бундан ташқари университетда ишонч телефони фаолияти ҳам жонлантирилган.

Умуман олганда университетда маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбиявий ишларни амалга оширишда жамоада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш асосий вазифалардан бири бўлиб, университет жамоаси ҳар бир аъзосининг инсонийлик ва фаол фуқаролик позициясини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда.

**Рўзимбой ЭШЧАНОВ,**  
УзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, Урганч Давлат университети ректори

## ● ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

*Куз ва қиш ойларида кунлар совиб, иссиқликка эҳтиёж сезиб қоламиз. Табиийки, бундай пайтда дарров иситкичлардан фойдалана бошлаймиз. Бу эса биздан жуда катта эҳтиёткорлик ва зийракликни талаб этади.*

### Эҳтиёткорлик — давр талаби

Мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигига жуда катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада амалга оширилаётган ишлар сезиларли даражада ўз самарасини бермоқда. Бу энг аввало юртимизда ёнгинлар сони аввалги йилларга нисбатан анча камайганлигида яққол намоён бўлмоқда. Бу, албатта, ёнгин хавфсизлиги ходимларининг ҳар бир ташкилот, муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб ва боғчаларда бўлиб, ёнгин сабаблари ҳақида батафсил ҳамда тўлиқ маълумот беришга ёнгин содир бўлган пайтда нималар қилиш лозимлигини тарғибот қилишга ёнгин ва ўз вазифа-

ларини сидқидилдан адо этишга ёнгин самарасидир.

Кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнгинлар асосан эътиборсиз қолган иситкичлар, компьютер, телевизор ва шунга ўхшаш электр асбоблари симларининг қисқа туташуви натижасида содир этилмоқда.

Модомики шундай экан, ҳар биримиз электрдан фойдаланганда эҳтиёткорроқ бўлишимиз давр талабидир.

**Хусомиддин ГАЗИХОНОВ,**  
Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ 12-ХҲХО, 23-ХҲХК сафдори, кичик инспектор

### Ёнгиннинг олдини олиш қоидалари

*Ёнгинлар одатда кўп ҳолларда эҳтиётсизлик ва бепарволигимиз оқибатида рўй беради. Ҳўш, бунинг учун энг аввало нималарга риоя қилишимиз зарур? Ёнгинлар келиб чиқиши ёхуд унинг такрорланмаслиги учун қўйидаги қоидаларга амал қилиш лозим бўлади.*

Электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 метр радиусда ёнғичи буюм ва воситалардан тозаланиши, портловчи модда ва ускуналардан 10 метр узоқликда бўлиши ҳамда ёнгинни ўчириш воситалари билан таъминланиши керак.

Бундан ташқари, хоналарни иситиш ва қуриштириш учун қўнбола электр анжомларидан фойдаланмаслик, хона-

ларда ҳар хил турдаги аппаратура ва электр ускуналарни қаровсиз қолдирмаслик, устки изоляция қоплами шикастланган носоз электр тармоқларидан фойдаланмаслик талаб этилади.

Шунингдек, қурилиш майдончаси бирламчи ёнгин ўчириш қалқонлари билан таъминланиши, чекиш учун махсус жой ажратилиши, белгиланмаган жойларда тамаки чекишни таққиллаш ва очик алангадан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Вақтинчалик сақланувчи ва ёнғичи қурилиш материаллари қурилаётган бинолардан камидан 30 метр узоқликда бўлиши лозим. Қурилаётган бинонинг томида қора сақич эритиш таққилланади.

Ёнгинни ўчиришдан олдини олиш осонроқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

**Раҳматилла САЙДАЛИЕВ,**  
Юнусобод тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант

## РЕКЛАМА ЎРНИДА




# "АСАКА" давлат-акциядорлик тижорат банки (очик акциядорлик жамияти) жамоаси

*Сиз азиз ватандошларимизни ва банкимиз мижозларини  
инсонпарварлик ва адолат тимсоли бўлган*

## КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

*билан чин қалбдан табриклайди.*



*Меҳнатсевар, қўлигул халқимизнинг  
яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига  
улкан ютуқлар тилаймиз!*



# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### ● БАНК ХИЗМАТИ

*XXI аср бежизга илгор ахборот-телекоммуникация технологиялари асри деб айтилмаган. Жадал ривожланиб бораётган жамиятимиз ахборот-телекоммуникация тизимини мунтазам равишда янгилаб, модернизиция қилиб боришни талаб этмоқда. Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳалар ривожини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги шиддаткор даврда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатишда ахборот-технологияларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.*

Банк мижозларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги

Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш доимий равишда амалиётга татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда банк тизимида ахборот-телекоммуникация технологияларининг янада такомиллашуви натижасида мукамал бошқарув ва тезкор назорат, филиалларара

### "Qishloq Qurilish Bank":

## Замонавийлик, қулайлик ва тезкорлик — асосий шиоримиз

самарали ҳисоб-китобларни амалга ошириш, мижозлар тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини яратиш, бутун банк миқёсида ҳужжатларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва назорат қилишнинг ягона қоидалар асосида олиб борилиши, хизматлар пакетини стандартлаштириш ва янгидан янги банк махсулотларни тақлиф этиш имкониятлари янада кенгайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари асосида операторсиз ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимларини кенгайтириш банк фаолиятининг бугунги ривожланиш босқичидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ушбу усулда ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан замонавий банк хизмати турлари - "Интернет-бан-

кинг" ва "SMS-банкнинг" модели жорий қилинган бўлиб, ҳозирда ушбу тизимдан 7557 нафар мижоз фойдаланмоқда.

Электрон тизим орқали мижозларга яратилган қулайликлар даражаси масофадан туриб хизмат кўрсатилиши, созлаш қулайлиги, ахборот олишдаги тезкорлик, интерфейснинг қулайлиги, банк операцияларидаги хилма-хиллик, тайёр намуналар мавжудлиги, универсаллигига кўра аниқланади. Ушбу талабларга янада тўлиқроқ жавоб берадиган "Мобил банкнинг" тизимининг "WAP-банкнинг" модели ҳисобланади. Шу сабабли ҳозирги кунда масофадан туриб ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг "WAP-банкнинг" моделини жорий этиш устида амалий

ишлар олиб борилмоқда. Ушбу платформада мижоз тизимини узокдан WAP-сайт манзилини мобил телефон браузеридан кўрсатиб ишга туширади. WAP-сайт турли мобил телефонларда бир хилда акс этади. Бунинг учун телефон элементарини созлашнинг ўзи етарли ҳисобланади. Ҳозирда уяли алоқа операторлари хизмати ривожланганлиги сабабли қўшимча хизматларни созлаш қийинчилик тугдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли фармони ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 02/1-488-сонли чора-тадбирлар комплекси талаб-

ларидан келиб чиққан ҳолда масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда солиқ ва мажбурий тўловларни амалга ошираётган банк мижозлари учун 2012 йилнинг 1 ноябидан имтиёзли тарифлар ўрнатилди ва банк томонидан "Интернет-банкнинг" хизматидан фойдаланиш бўйича мижозлар учун босқичли Йуриқнома ишлаб чиқилиб, банкнинг расмий сайти "www.qqb.uz" да жойлаштирилди.

Шунингдек, масофадан туриб ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизими орқали мижозлар бир қанча қулай имкониятларга эга бўладилар. Жумладан, банкка қатнаш зарурати минимумга келтирилади ва банк билан боғлиқ барча амаллар бевосита офисдан туриб амалга

оширилади. Бунинг натижасида транспорт ва курьерларга кетадиган харажатлар анча тежалди. Хоҳлаган вақтда ҳар бир мижоз ўз ҳисобварағидаги пуллар қолдиргани, шунингдек, кўчирмаларни ҳисобвараққа маблағ ўтказиш ва ундан маблағ кўчириш ҳақидаги барча тўлов ҳужжатларининг нусхаларини кўра олади. Банк тўғрисидаги маълумот ва ахборотларни олиб, бевосита офисдан туриб электрон тўлов ҳужжатларини тайёрлайди ва жўнатади. Бундан ташқари, тўловларни оператив тарзда амалга ошириб, электрон ҳужжатлар архивини юритиши ва улардан кейинги ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланиши ҳам мумкин.

Банк матбуот хизмати

**РЕКЛАМА****“NAVOIYAZOT”****ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни  
давлатимизнинг  
асосий қомуси —  
**Ўзбекистон  
Республикаси  
Конституциясининг  
20 йиллиги**  
билан самимий  
табриклайди.

**Qishloq Qurilish Bank**

Барча юртдошларимизни, банк акциядорлари ва мижозларини  
Ватанимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг

**20 йиллиги**

билан самимий муборакбод этамиз!

Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги  
эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Шу фурсатдан фойдаланиб, куйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

**“ОЛТИН КУЗ”** — муддати 3 ой **“МЕЗОН”** — муддати 6 ой **“ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ”** — муддати 24 ой

Куйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларни олувчи  
фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

**“МАДАД”** — муддати 1 йил **“ҚУРИЛИШГА БОШЛАНҒИЧ БАДАЛ”** — муддати 1 йил

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги  
“Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш  
кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4057-сонли  
Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93  
www.qishloqqurilishbank.uz

**Қишлоқ Қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**  
Хизматлар лицензияланган.

Доимо ироданга ҳоким, виждонинг кули бўл.

Тоза юракни кўрқитиш қийин.

**РИВОЯТ**

Сенека шундай деб ёзади: «Одамлар менга таълимотим ва дунёқарашларим билан ҳаётим ўртасида тафовут борлиги ҳақида сўзлаб, таъна қиладилар. Улар бир вақтлар Афлотун, Эпикур ва Зенонга ҳам шундай айб тақашганди. Лекин барча файласуфлар ўзларининг қандай яшашлари хусусида эмас, балки қандай ҳаёт кечириб лозимлиги борасида фикр юритадилар. Мен ҳам ўзим ҳақимда эмас, эзгулик хусусида мушоҳада қилиб, уни изоҳлашга уринаман. Турли иллатларга, шу билан бирга ўзимдаги камчиликларга қарши курашаман».

**БИЛАСИСМИ?**

Цирк аренасининг стандарт диаметри 12,8 метр қилиб белгиланган. Айнан шу ўлчам югураётган отдан чавандознинг тушиб кетмаслигини таъминлайди.

Энг баланд кунгабоқар Нидерландияда етиштирилган бўлиб, узунлиги 7,5 метрни ташкил қилган.

**ТУРФА ОЛАМ****Ноёб кит**

Кучли денгиз тўлқинлари янги Зеландия соҳилларига олимлар 150 йил давомида қўлга туширолмаган ноёб китларни улоқтириб ташлаган.




Окленд университети биологлари жониворларнинг тана қолдиқларини ўрганиш чоғида улар ҳақиқатдан ҳам ўта ноёб Mesoplodon traversii китлари эканини аниқлашди. Биринчи бўлиб бундай кит қолдиқлари 140 йил илгари Янги Зеландия ва Чили соҳилларидан топилган эди. Олимларнинг таъкидлашича, бундай китлар танасидаги оқ нуқталари ва бош қисмидаги қора чизиги билан ажралиб туради. Қолаверса, ушбу кит тури океан тубида яшагани боис олимларнинг кўзига камдан-кам ҳолларда кўринади.

**Кўҳна театр**


БУЮК БРИТАНИЯДА XVII АСРГА ОИД  
ЧИЗМАЛАР АСОСИДА ЁҒОЧЛИ ТЕАТР ҚУРИЛИШИ  
БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.

2014 йили ишга туширилиши кутилётган янги театр 340 кишига мўлжалланган бўлиб, кўҳна театрлар услубида қурилиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳа учун 12 млн. \$ ажратилган. Бу каби усти ёпиқ ёғоч театрларда йил бўйи спектакллар қўйиш имконияти мавжуд. Эслатиб ўтамиз, Англиядаги дастлабки театрлар ёғочдан бўлган ва қадимги грек драматургларининг асарлари қўйилган. Қурувчилар XXI асрда бунёд этилажак янги ёғоч театр ҳам аввалгисидан қолишмаслигига кафолат беришмоқда.

**Онлайн-кутубхона**

GERMANYDA ЭНГ ЙИРИК DEUTSCHE DIGITALE  
BIBLIOTHEK (DBV) ДЭБ НОМЛАНУВЧИ  
ОНЛАЙН-КУТУБХОНА ОЧИЛДИ.

Берлин шаҳрида тақдиримоти бўлиб ўтган ушбу кутубхона 5,6 миллиондан ортиқ китоб фондига эга. Қолаверса, онлайн-кутубхонада архив ҳужжатлари, фотосуратлар, картиналар репродукцияси, аудио ва видеотасмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур лойиҳа устида мутахассислар 2007 йилнинг ёзидан бери ишлаб келишган. Ва ниҳоят шу йил уларнинг меҳнати юзага чиқди. Ҳозирда кутубхона Германиядаги маданий ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда лойиҳани янада оммалаштириш устида бош қотирмоқда.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

